

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2025 йил "23" июндаги  
180-сонли буйруғига  
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА  
КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**«ОЁҚ ПАНЖАСИ (ҚЎЛ КАФТИ) МИКОЗИ»  
НОЗОЛОГИЯСИ  
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

**ТОШКЕНТ 2024**



**“ТАСДИКЛАЙМАН”**  
Республика ихтисослаштирилган  
дерматовенерология ва косметология  
илмий-амалий тиббиёт маркази директори  
в.в.б. Джалилов Д.С.  
“19” “май” 2025 йил

**«ОЁҚ ПАНЖАСИ (ҚЎЛ КАФТИ) МИКОЗИ»  
НОЗОЛОГИЯСИ  
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР**

**ТОШКЕНТ 2025**

**«ОЁҚ ПАНЖАСИ (ҚЎЛ КАФТИ) МИКОЗИ»  
НОЗОЛОГИЯСИ  
БЎЙИЧА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ  
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ**

**ТОШКЕНТ 2024**

## 1. Кириш қисми

### ХКТ-10/11 кодлари:

B35.1	Тирноқ микози	ЕА60	Замбуруғли инфекция туфайли келиб чиққан баъзи тери касалликлари
B35.2	Қўл кафт микози		
B35.3	Оёқ панжа микози		
B35.4	Тана микози		
B35.6	Чов эпидермофитияси		
B37.2	Тери ва тирноқ кандидози		
	<a href="https://mkb-10.com/index.php?pid=11157">https://mkb-10.com/index.php?pid=11157</a>		<a href="https://icd11.ru/">https://icd11.ru/</a>

Дерматофитларнинг этиологик таснифи ҳам мавжуд: *Trichophyton rubrum* кўзгатадиган микозлар (руброфития, рубромикоз); *Trichophyton mentagrophytes*, var. *interdigitale* (эпидермофития) кўзгатадиган микозлар.

**Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:** 2025-йил, қайта кўриб чиқиш санаси 2028-йил ёки янги асосий далиллар пайдо бўлишига қараб. Тақдим этилган тавсияларга киритилган барча тузатишлар тегишли ҳужжатларда эълон қилинади.

### Ушбу клиник протокол ва стандартни ишлаб чиқиш учун масъул муассаса:

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази

### Миллий клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқишда хисса қўшганлар:

1. Сабилов Улуғбек Юсупханович – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўз. Рес. ССВ РИДваКИАТМ) директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.
2. Икрамова Наргиза Джурабаевна - мутахассислар ва клиник ординаторлар стажировка бўлими методисти Ўз. Рес. ССВ РИДваКИАТМ, тиббиёт фанлари номзоди.
3. Рахматов Акрам Баратович – микозлар муаммоларини ўрганиш илмий лабораторияси раҳбари Ўз. Рес. ССВ РИДваКИАТМ, тиббиёт фанлари доктори, профессор.
4. Халидова Халида Рашидовна – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўз. Рес. ССВ РИДваКИАТМ) катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди.
5. Боходирова Афруза Ахрор қизи – Ўз. Рес. ССВ РИДваКИАТМ илмий котиби.

## **Такризчилар:**

1. Якубов Абдулазиз Абдужаббарович – Мутахассисларни стажировка қилиш ва клиник ординаторларни тайёрлаш бўлими мудири, PhD.
2. Мухаммадиева Кибриёхон Мансуровна – тиббиёт фанлари доктори, Абу Али Ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети дерматовенерология кафедраси мудири, доцент.

## **Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва тахрирлаш:**

1. Иноятов Аваз Шавкатович – клиниканинг даволаш бўйича директор ўринбосари, бош шифокор, тиббиёт фанлари доктори.
2. Джалилов Дилшод Сайфуллаевич – директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Солини салаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суурта бошармаси бошлии Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чишиш ва жорий этиш бўлими бошлии Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чишиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чирилган.

Клиник баённома РИДваКИАТМ ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон дерматовенерологлар ассоциацияси аъзолари, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари, шунингдек, ҳудудий дерматовенерология хизмати муассасалари шифокорлари иштирокида 2024-йил 26-декабр куни офлайн форматда бўлиб ўтган Илмий кенгаш йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқлаш учун тавсия этилди (11-сон баённома).

### Қисқартмалар рўйхати:

ХКТ	Халқаро касалликлар таснифи
ОПМ	Оёқ панжа микози
ҚҚМ	Қўл кафт микози
ОМ	Онихомикоз
РИФ	Реакция иммунофлюоресценция
ОИТ	Ошқозон-ичак тракти
АСТ	Аспартатаминотрансфераза
АЛТ	Аланинаминотрансфераза
УТТ	Ультра товуш текшируви
ИХЛА	Иммунохемилюминесцент анализ
ИФЛА	Иммунофлюоресцентный анализ
ИФА	Иммунофермент анализ
ПЗР	Полимераз занжир реакцияси
Ig	Иммуноглобулин
ОИТВ	Одам иммунитет танқислиги вируси
м/о	Мушак орасига
в/и	Вена ичига
т/о	Тери остига
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ПИЛН	Паст интенсивли лазер нурланиши

### Протоколдан фойдаланувчилар:

- 1.Дерматологлар;
- 2.Умумий амалиёт шифокорлари;
- 3.Педиатрлар;
- 4.Лаборатория шифокорлари;
- 5.Соғлиқни сақлаш ташкилотчилари;
- 6.Клиник фармакологлар;
- 7.Талабалар, клиник ординаторлар, магистрантлар, аспирантлар, тиббиёт олий ўқув юртлари ўқитувчилари;
- 8.Ушбу патология билан оғриган беморлар, уларнинг оила аъзолари ва ғамхўрлик қилувчилар.

**Беморлар тоифаси:** оёқ панжалари (қўл кафтлари) микози билан оғриган беморлар.

### Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи (ташхислаш аралашувлари учун)

Далилларнинг исботланганлик даражаси	
1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно

3	Референс усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

**Далилларнинг исботланганлик даражасини баҳолаш шкаласи  
(профилактика, даволаш ва реабилитацион тадбирлар учун)**

<b>Далилларнинг исботланганлик даражаси</b>	
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси

**Тавсияларнинг ишончилилик даражасини баҳолаш шкаласи**

<b>Тавсияларнинг ишончилилик даражаси</b>	
A	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
B	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
C	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган, кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари, натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган

## Мундарижа

«ОЁҚ ПАНЖАСИ (ҚЎЛ ҚАФТИ) МИКОЗИ» НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ .....	4
«ОЁҚ ПАНЖАСИ (ҚЎЛ ҚАФТИ) МИКОЗИ» НОЗОЛОГИЯСИНING ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ .....	30
«ОЁҚ ПАНЖАСИ (ҚЎЛ ҚАФТИ) МИКОЗИ» НОЗОЛОГИЯСИНING ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛИ.....	38

## Қисқартмалар рўйхати:

ХКТ	Халқаро касалликлар таснифи
ОПМ	Оёқ панжа микози
ҚҚМ	Қўл қафт микози
ОМ	Онихомикоз
РИФ	Реакция иммунофлюоресценция
ОИТ	Ошқозон-ичак тракти
АСТ	Аспаратаминотрансфераза
АЛТ	Аланинаминотрансфераза
УТТ	Ультра товуш текшируви
ИХЛА	Иммунохемилюминесцент анализ
ИФЛА	Иммунофлюоресцентный анализ
ИФА	Иммунофермент анализ
ПЗР	Полимераз занжир реаксияси
Ig	Иммуноглобулин
ОИТВ	Одам иммунитет танқислиги вируси
м/о	Мушак орасига
в/и	Вена ичига
т/о	Тери остига
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ПИЛН	Паст интенсивли лазер нурланиши

## Асосий қисм

### 2.1. Кириш

Қўл панжа, оёқ панжа ва тана микозлари – тери ва унинг ортиқларини зарарловчи *Trichophyton rubrum*, *Trichophyton mentagrophytes*, var. *interdigitale*, *Epidermophyton floccosum* замбуруғлари ва *Candida* туркуми замбуруғлари қўзғатадиган касалликлардир.

### 2.2. Этиология

Дерматофитларнинг энг кўп учрайдиган қўзғатувчилари *Trichophyton rubrum* (90%) ва *Trichophyton mentagrophytes*, var. *interdigitale* патоген замбуруғларидир. Кам ҳолларда бу касалликлар *Epidermophyton floccosum* ва *Candida* туркуми замбуруғлари [1, 2] томонидан қўзғатилади.

Патоген замбуруғлар бемор билан бевосита мулоқотда бўлганда, шунингдек, спорт заллари, хаммомлар, сауналар, бассейнларга ташриф буюрганда поябзал, кийим-кечак, кундалик турмуш буюмлари (хаммомдаги гиламчалар, мочалкалар, маникюр буюмлари ва бошқалар) орқали юқиши мумкин.

Замбуруғларнинг терига кириб боришига тирналиш, терининг кўп терлаши ёки куруклиги, сув муолажаларидан кейин яхши қуримаслиги, бармоқлар орасидаги бурмаларнинг торлиги, оёқларнинг яссилиги, оёқ-қўлларнинг қон томир касалликларида қон айланишининг бузилиши ва бошқалар туфайли юзага келадиган тирналишлар, бармоқлар орасидаги бурмалар ёриқлари ёрдам беради. Микозлар йўлдош касалликлар - эндокрин, кўпинча қандли диабет, иммун бузилишлар, генодерматозлар, қон касалликлари мавжуд бўлганда, шунингдек антибактериал, кортикостероид ва цитостатик препаратлар қўлланилганда кенг тарқалган характерга эга бўлиши мумкин.

### 2.3. Эпидемиология

Кўп марказли тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, тери юзаки микозлари (ТЮК) билан оғриган беморларнинг улуши дерматологик патология таркибида 14% ни ташкил этди, улардан 34,6% оёқ панжа микозларига тўғри келди. ТЮК билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичи (ИК) - 94,5%, дерматомикозлар - 62,5%, оёқ панжа микозлари - 32,7%. [3].

Дерматофития таркибида оёқ панжа микози етакчилик қилади - 35,7%, йирик бурмалар дерматофитиялари частотаси бўйича иккинчи ўринни эгаллайди - беморларнинг 26,4%. Текширилганларнинг 20,9% да силлиқ тери микозлари қайд этилган. Бошқа локализациядаги дерматофитиялар камроқ учрайди: кўл-оёқларда (оёқ панжалари ва кўл панжаларидан ташқари) - 7,8%, кўл панжаларида - 6,3%, юзда - 2,9%.

Оёқ панжа микози билан оғриган беморлар орасида эркаклар устунлик қилади - мос равишда 57,8 ва 42,3%, унинг тарқалиши эса ёш ўтиши билан ортиб боради. Энг муҳим хавф гуруҳи 50 ёшдан ошган шахслар бўлиб, улар 37,8% ни ташкил қилади, 40-49 ёшда оёқ панжа микозининг тарқалиши - 20,5%, 30-39 ёшда - 22,8%, 10 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёш гуруҳига эса 17,8% тўғри келади. Оёқ панжа микози структурасида сквамоз ва интертригиноз шакли устунлик қилади. Тирноқ пластинкаларининг зарарланишида онихомикознинг нормотрофик тури 48,2% ҳолларда, кўпинча III—IV бармоқларда аниқланади.

## 2.4. Классификация

1. Силлиқ тери микози
2. Йирик бурмалар микози
3. Кўл кафтлари микози
4. Оёқ панжаси микози:
  - сквамоз;
  - гиперкератотик;
  - интертригиноз;
  - дисгидротик шакли.
5. Тирноқ микози (онихомикоз)

(зарарланишнинг локализацияси бўйича):

- дистал (дистал-латерал);
- юзаки (юзаки оқ);
- проксимал.

(касалликнинг клиник кўринишларига қараб, онихомикознинг уч тури фарқланади):

- Нормотрофик. Бунда тирноқ пластинкасининг шакли ўзгармайди. Тирноқнинг қалинлигида оқ-сарик чизиклар кўринади.
- Гипертрофик. Бу типда ранг ўзгаришидан ташқари тирноқ шаклининг деформацияси кузатилади. У қалинлашади, қийшайди ва қисман емирилади, асосан ён томонидан, йирткич қушнинг тирноғига ўхшаб қолади (бундай ҳолат онихогрифоз деб аталади).
- Атрофик. Бу тип учун тирноқ дистал қисмининг юққалашиши ва кўчиши характерлидир. У қўнғир-қулранг тусга киради, атрофияга учрайди ва йўқолиб кетади.

## 2.5. Шикоятлар ва анамнез - "клиник кўриниши"

### Силлиқ тери микози

Силлик бадан териси микозида пушти ёки қизил-пушти, кўкимтир тусли доғлар, аниқ чегараларга эга бўлган юмалоқ шакллар пайдо бўлиши характерлидир. Доғлар юзасида одатда майда тангачалар бўлади, уларнинг четларидан ёркин тугунчалардан иборат узук-юлуқ валик ўтади. Доғлар дастлаб кичик, аммо вақт ўтиши билан катталашади. Кўпчилик беморларда шикастланиш ўчоқларида қичишиш кузатилади. Сурункали, инволюцияга мойил бўлмаган, йилнинг илиқ вақтида кўзиши ва топик глюкокортикостероидлар қўлланилганда ёмонлашиши билан кечади.

#### **Йирик бурмалар микози**

Йирик бурмалар микозида чов соҳаларининг терисида, сон, ёрғоқ ички юзаларида, гоҳида – думба оралиғидаги бурмада, шунингдек қўлтиқости ва субмамар соҳаларда пўст ташлайдиган пушти доғлар пайдо бўлади. Дастлаб тошмаларнинг диаметри 1 см гача бўлади, кейин улар катталашиб, катта (диаметри 10 см гача) ҳалқасимон ёки яхлит ўчоқлар ҳосил қилади, улар кичишиш ёки ачишиш билан бирга келади.

#### **Қўл кафтлари микози**

Касаллик бошланишида қўл панжалари терисининг зарарланиши бир томонлама бўлиб, кўпинча тирноқ пластинкаларининг зарарланиши ва товон терисида шунга ўхшаш ўзгаришлар билан бирга давом этиб боради.

Қўл панжалари микозидаги асосий шикастлар терининг қуруқлиги ва қалинлашуви, арзимас гиперемия фониди тери бурмаларининг пўст ташлаши бўлиб, субъектив равишда кичишиш билан бирга кечади.

#### **Оёқ панжалари микози**

Касалликнинг бошланиши одатда беморнинг ўзи сезмаган ҳолда бошланади ва бироз пўст ташлаш билан кечади. Вақт ўтиши билан пўст ташлаш кучаяди ва оёқ панжасининг катта майдонини эгаллаб, тарқалади ва қичишиш пайдо бўлади.

Баҳор-ёз даврида ёки оёқлар кўп терлаганида, ҳўл поябзал кийганида бармоқлар оралиғида аввалига енгил ачишиш ёки қичишиш билан кечадиган терининг бироз мацерацияси пайдо бўлади, кейинчалик эса ачишиш ва оғриқни келтириб чиқарадиган чуқур ёриқлар ҳосил бўлади.

Даволаш ўтказилмаса, вақт ўтиши билан оғриқли нуқсонлар мустақил равишда йўқолади, лекин бармоқлар оралиғида пўст ташлаш сақланиб қолиши мумкин.

Оёқ панжаси терисининг узок муддат сақланиб турадиган пўст ташлаши фониди ёзда гумбазда ёки товон соҳасида диаметри 5 мм гача бўлган, ичи тиник, катталашиб ва бир-бирига қўшилиб кетадиган зич пуфакчалар пайдо бўлиши мумкин. Пуфакчаларнинг очилиши эрозиялар ҳосил бўлишига олиб келади, экссудат эса қурийди ва жигарранг пластинкали пўстлоқлар ҳосил бўлади. Бундай белгилар ҳар хил интенсивликда қичишиш, инфилтрация ва терида шиш пайдо бўлиши билан бирга давом этиб боради.

#### **Тирноқ микози (онихомикоз)**

Тирноқ пластинкаларининг замбуруғ билан зарарланишида оёқ панжалари ва қўл панжалари тирноқларининг ташқи кўриниши ўзгариши асосий шикаст ҳисобланади. Тирноқларнинг зарарланиши, кўпинча, оёқ панжаси ва қўл панжалари терисида узок вақтдан бери сезилар-сезилмас ўзгаришлар бўлиб турган маҳалда, гиперемия ва пўст ташлаш кўринишида бошланади.

Тирноқ пластинкаларининг ўзгаришлари ялтироқлик, шаффофликнинг йўқолиши, унинг рангининг ўзгариши билан тавсифланади, оқ, кулранг, сариқ, баъзан эса тўқ рангли жойлар пайдо бўлиши мумкин, улар вақт ўтиши билан бутун пластинкани шикастлайди. Тирноқнинг тузилиши ҳам ўзгариши мумкин - у қалинлашади ёки, аксинча, юпқалашади, ажралиб чиқади, еркин чети нотекис бўлиб қолади ва майдаланади.

#### **Руброфития**

Рубофитиянинг клиник манзарасида оёқ панжасининг бешта асосий шакли тафовут қилинади: сквамоз, сквамоз-гиперкератотик, интертригиноз, дисгидротик ва онихомикоз.

Сквамоз хили бадан терисида бармоқлар орасидаги бурмалар, товон, кафтлар пўст ташланиши, баъзан майда юза ёриқлари бўлиши билан таърифланади. Оёқ панжасининг ён юзалари соҳасида десквамация ходисалари ҳам кузатилиши мумкин.

Сквамоз-гиперкератотик шакли оёқ панжасининг энг катта юкни ташийдиган ён ва товон юзаларининг шох қатламининг диффуз ёки ўчоқли қалинлашиши (гиперкератоз) билан намоён бўлади. Бадан терисининг зарарланган жойлари одатда яллиғланиш тусида бўлиб, майда-майда кепаксимон ёки унсимон тангачалар билан қопланган бўлади. Ўзгарган оёқ панжаси "кузатувчи" ёки "ҳинд пайпоғи" - "мокасин тури" кўринишида бўлиши мумкин. Тери эгатларида пўст ташлаш териға гўё "кукунсимон" кўринишга эға бўлган ювилган расми яратади. Субектив равишда терининг қуруқлиги, ўртача қичишиш, баъзан зарарланган жойлардаги оғриқ қайд этилади.

Интертригиноз (бармоқлар оралиғи, қирқимсимон) шакли клиник жиҳатдан қирқимға ўхшайди. Бармоқлар орасидаги бурмалар, кўпинча оёқ панжасининг III ва IV, IV ва V бармоқлари орасида зарарланади. Жараён гиперемия, шиш, ивиш ва мацерация билан бошланиши, баъзи ҳолларда пуфакчали тошмалар пайдо бўлиши билан таърифланади. Кўпинча эрозиялар, чуқур ва оғриқли ёриқлар пайдо бўлади. Субъектив жиҳатдан яра ўчоқларида қичишиш, ачишиш, оғриқ сезилади.

Дисгидротик хили қалин қопқоқли кўп сонли пуфакчалар пайдо бўлиши билан намоён бўлади. Асосан оёқ панжаси гумбази, шунингдек, бармоқлар орасидаги бурмалар ва бармоқлар териси зарарланади; улар бирлашиб, катта кўп камерали пуфакларни ҳосил қилади, уларни очганда пушти-қизил рангли нам эрозиялар пайдо бўлади. Тошмалар ўзгармаган терида жойлашади. Касаллик бошланиб кетганида бадан терисида қизариб туриши, шишиб туриши ва қичишиб туриши ҳам қўшилиб боради, шу нарса бу касалликни ўткир дисгидротик экземаға ўхшатиб қўяди.

Болаларда оёқ панжаси силлиқ терисининг зарарланиши бармоқларнинг охириги фалангалари ички юзасида, кўпинча III ва IV бармоқлараро бурмаларда ёки бармоқлар остида майда пластинкали пўст ташлаш, гиперемия ва мацерация билан тавсифланади. Оёқ кафти терисининг шакли ўзгармаган ёки кучайган бўлиши мумкин, баъзан ҳалқасимон пўст ташлаш кузатилади. Касаллик қичишиш билан бирға давом этади. Болаларда катталарға қараганда фақат оёқ кафтларида эмас, балки қўл панжаларида ҳам экссудатив зарарланишлар кўпроқ учрайди.

Руброфитияда оёқ панжаси онихомикози асосан барча тирноқларнинг зарарланиши билан намоён бўлади. Онихомикознинг нормотрофик, гипертрофик ва атрофик хиллари тафовут қилинади.

Нормотрофик тип учун тирноқнинг қалинлигида сарғиш ва оқ рангли йўллар пайдо бўлиши характерлидир, бунда тирноқ пластинкаси ўз шаклини ўзгартирмайди, тирноқ ости гиперкератози ифодаланмайди.

Гипертрофик хилида тирноқ ости гиперкератози ҳисобига тирноқ пластинкаси қалинлашиб, сарғиш тусға қиради, майдалашиб, четлари тишли бўлиб қолади.

Онихомикознинг атрофик хили сезиларли даражада юпқалашиб, тирноқ пластинкаси тирноқ ўрнидан ажралиб чиқиб, бўшлиқлар ҳосил бўлиши ёки қисман емирилиши билан таърифланади. Шунингдек, дистал, дистал-латерал, оқ юзаки, тирноқ ости проксимал, тотал дистрофик онихомикоз тафовут қилинади. Кафтлар руброфитияси касалликнинг бошида кафтлар терисининг зарарланиши билан таърифланади ва табиатан бир томонлама бўлиб, кафтлар онихомикози билан бирға давом этиб бориши мумкин. Клиник жиҳатдан олганда бадан терисининг қуриши, мугуз қаватининг қалинлашуви, ун-шудрингли пўст ташлаш ва тери жўяқларининг йўқолиб кетиши кузатилади. Қўл панжалари орқасида пайдо бўладиган ўчоқлар четлари узилиб туради ва тугунчалар, пуфакчалар, пўстлоқчалардан иборат бўлади. Қўл панжалари, силлиқ тери ва бурмаларнинг

инфекцияси, қоида тарикасида, замбуруғларнинг лимфогематоген тарқалиши натижасида оёқ панжаси руброфития ўчоқларидан келиб чиқади, аутоинокуляция пайтида; камдан-кам ҳолларда замбуруғлар экзоген киритилганда биринчи бўлиб пайдо бўлади. Эритематоз-сквамоз, фолликуляр-тугунчали ва инфилтратив-йирингли хиллари тафовут қилинади. Руброфитиянинг эритематоз-сквамоз хили учун аниқ чегараларга эга бўлган пушти ёки қизил-пушти тусли, кўкимтир тусли доғларнинг юмалоқ шакллариининг бўлиши характерлидир. Доғлар юзасида одатда майда тангачалар бўлади, уларнинг четларидан сувли тугунчалардан иборат узук-юлуқ валик ўтади. Тугунчалар кўпинча майда пуфакчалар ва қобиқчалар билан қопланган бўлади. Доғлар дастлаб кичик, марказдан қочма ўсишга ва бир-бири билан қўшилиб кетишга мойил, шу билан бирга улар тери қопламанинг кенг майдонларини эгаллаган катта-катта ўчоқлар ҳосил қилади.

Руброфитиянинг фолликуляр туғунли хили тукларнинг эритематоз-сквамоз ўчоқлари доирасида зарарланиши билан ажралиб туради. Сочлар табиий ялтироқлигини йўқотади, хира ва мўрт бўлиб қолади.

Руброфитиянинг инфилтратив-йирингли хили жуда кам учрайди, асосан болаларда бошнинг сочли қисмида учрайди. Клиник кўринишлари зоофил трихофитонлар кўзгатадиган инфилтратив-йирингли трихофитияга ўхшаб кетади. Ўчоқлар йўқолиб кетганидан кейин уларнинг ўрнида алоҳида атрофик чандиқлар қолиши мумкин.

### **Эпидермофития**

Оёқ панжаси эпидермофитияси оёқ панжасининг *Trichophyton mentagrophytes, var. interdigitale* (бармоқлараро трихофитон) чақирадиган зарарланишидир. Бу замбуруғли жараён анча кам учрайди ва руброфития клиникасидан кам фарқ қилади. Оёқ панжаси эпидермофитияси кўзгатувчиси яққол аллергик таъсирга эга, шунинг учун бундай беморларда кўпинча касалликнинг интертригиноз ва дисгидротик шакллари пайдо бўлади, улар иккиламчи тошмалар (микидлар) билан бирга келади. Эритема, шиш, эрозиялар ва яралар пайдо бўлиши, граммусбат бактериялар келтириб чиқарадиган иккиламчи инфекция қўшилиши билан кўплаб десквамация ривожланиши мумкин. Бундай жараён минтақавий (чов-сон) лимфаденит, лимфангиит ва умумий аломатлар: иситма, ҳолсизлик билан бирга келади. Касалликнинг бошида оёқ панжасининг III ва IV бармоқлари ўртасидаги бурманинг шикастланиши кузатилади, оёқ панжасининг юқори учдан бир қисмига, гумбазга, оёқ панжасининг ён юзаларига ва бармоқларга ўтади. Кўпинча онихомикознинг юзаки шакллари аниқланади, аммо бир беморда руброфития онихияларига ўхшаш комбинацияланган ониходистрофия шакллари учраши мумкин.

Чов эпидермофитияси терида чов соҳалари, сон, ёрғоқ ички юзаларида, гоҳо – думбалар оралиғи бурмада, шунингдек қўлтиқ ости ва сут безлари остидаги бурмаларда пўст ташлайдиган пушти доғлар пайдо бўлиши билан таърифланади. Яллиғланиш элементлари диаметри 1 см гача бўлиб, аста-секин периферия бўйлаб ўсиб боради, шу билан бирга марказдаги яллиғланиш ходисалари ҳал қилиниши мумкин. Қизил рангли йирик (диаметри 10 см гача) ҳалқасимон доғлар ҳосил бўлади, улар бир-бирига қўшилиб, фестонсимон ўчоқлар ҳосил қилади. Ўчоқлар чегаралари кескин, шишган ёрқин гиперемияланган яллиғланиш валиги билан ажралиб туради, унинг юзасида пуфакчалар ва майда пустулар мавжуд. Субъектив равишда тошмалар кичишиш билан тавсифланади.

### **Тирноқлар ва тирноқ валиклари кандидози**

Кандидоз онихомикознинг клиник манзараси одатда проксимал, гоҳо дистал шаклда бўлади.

Проксимал шакли сариқ-жигарранг ёки жигарранг тирноқ пластинкаси билан ифодаланади, яққол мўртлик билан ажралиб туради, бу эса ён томондан кесилган тирноқ киррасининг шаклланишига олиб келади (проксимал-латерал вариант). Жараён паронихия ҳодисалари билан бирга кечади, бунда яллиғланган тирноқ валиги пайпасланганда флюктуация ва йирингли ажралма кузатилиши мумкин.

Кандидоз онихомикознинг дистал хили тирноқ пластинасининг ранги ўзгариб, гиперкератоз бошланиб, эркин (дистал) чеккасида лизисга учраши билан таърифланади.

Тирноқларнинг кандидоз зарарланишларининг дифференциал ташхисоти экзема ва псориаз билан оғриган беморларда бактериал табиатли онихия ва паронихия билан ўтказилади.

### **Моғорли онихомикозлар**

Моғорли онихомикознинг клиник манзараси кўпинча оёқ панжасининг турли генезли, ҳам замбуруғли, ҳам замбуруғсиз генезли онихопатиялари билан оғриган кекса одамларда кузатиладиган дистал шаклда ифодаланади. Бу иккиламчи онихомикоз деб аталадиган касалликдир. Шу билан бирга, тирноқ пластинкаси ушбу патологияни келтириб чиқарган моғор кўзгатувчисига қараб ҳар хил рангга эга бўлади: қора, яшил-сариқ ёки кулранг. Бу замбуруғларнинг пигмент ҳосил қилиш фаолиятига ва уларнинг бактериялар ва ачитқисимон замбуруғлар билан тез-тез бирлашишига боғлиқ. Кейинчалик тирноқнинг пастки қисми ажралади, устки қисми қалинлашади. Анча ифодаланган онихомикоз бошланади, тирноқ деформацияланади, кўпинча онихогрифоз типига ўзгариб туради. Кўпинча оёқ бармоқларининг тирноқ пластинкалари зарарланади. Моғор замбуруғлари кўзгатадиган паронихияли ёки паронихиясиз онихомикознинг проксимал шакли анча кам учрайди.

### **3. Оёқ панжалари ва қўл кафтлари микози диагностикаси**

<https://diseases.medelement.com/disease/>

#### **3.1. Оёқ панжалари, қўл кафтлари, тана ва тирноқлар микози ташхиси касалликнинг клиник кўринишлари ва лаборатория текширувлари асосида амалга оширилади**

##### **Физикал текширув:**

[https://library.mededtech.ru/rest/documents/cr\\_861/](https://library.mededtech.ru/rest/documents/cr_861/)

- Объектив текширувда аниқланадиган қўл кафт, оёқ панжа, тана ва тирноқ микозларининг объектив клиник кўринишлари "Клиник кўриниш" бўлимида баён этилган.
- Зарарланган тирноқ пластинкаларини микроскопик текшириш, силлиқ теридаги ўчоқлардан тангачаларни қирқиш.
- Кўзгатувчининг турини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасида қўллашга рухсат этилган тест-тизимларидан фойдаланган ҳолда културал тадқиқот ва нуклеин кислоталарни амплификациялаш (ПЗР) усуллари тавсия этилади.
- Тизимли антимикотик препаратларни тайинлашда қон зардобиди билирубин, АСТ, АЛТ, ГГТ, ишқорий фосфатаза, глюкоза биокимёвий текширув, ички аъзоларнинг ултратовуш текшируви, гепатит В (Hepatitis B virus) вирусининг юза антигенига

(HBsAg) ва гепатит С (Hepatitis C virus) вирусига антитаначаларни аниқлаш текширувларини ўтказиш тавсия этилади.

- Тербинафин препарати билан узоқ муддатли даволанишда резистент шаклларда ПЗР усули билан тербинафин резистентлигини аниқлаш текшируви.
- Тербинафин препарати билан узоқ муддатли даволанишда резистент шаклларда ПЗР усули билан тербинафин резистентлигини аниқлаш текшируви.
- Онихомикознинг терапияга чидамли шаклларида юзаки ва чуқур томирларни ултратовуш текширувидан ўтказиш тавсия этилади.
- Захмга скрининг тестлари қуйидагилардан бири: РМП, RPR, КСР; Тасдиқловчи тестлар (6 тадан 2 таси мажбурий): РИФ, ИФА IgG ва IgM, РИБТ, РПГА, ИХА, Иммуноблот IgG ва IgM.
- Тегишли мутахассисларнинг маслаҳати (эндокринолог, қон томир жарроҳи ва бошқалар)
- Асоратлар (аллергик тошмалар) мавжуд бўлганда иммуноглобулин Е нинг ИФА, ИХЛА усули билан тахлили.
- Бактериал флора билан асоратланганда антибиотикларга сезувчанликни аниқлаш билан бактериологик текшириш тавсия этилади.
- Иммунологик тадқиқотлар
- Гистологик текшириш
- Инструментал текшириш усуллари: Дерматоскопия, Вуд лампаси остида текшириш.

<https://diseases.medelement.com/disease/микозы-костей-стоп-и-туловища-рекомендации-рф/15238>

### 3.2. Дифференциал диагностика

<https://diseases.medelement.com/disease/микозы-костей-стоп-и-туловища-рекомендации-рф/15238>

Руброфитияга дифференциал диагностика псориаз, себореяли дерматит, экзема, қизил ясси темирлатки, Дюрингнинг герпетиформ дерматити, қизил югурак, тери лимфомаси билан қилинади.

<b>Оёқ панжаси микози, оёқ панжаси тирноқлари (қўл кафти) микози</b>	<b>Замбуруғ этиологияли бўлмаган оёқ панжалари (қўл кафти), тирноқлари терисининг касалликлари</b>
<p><b>Т. Рубрум чақирган оёқ панжа (қўл кафти) микози.</b></p> <p>Оёқ панжаси ва/ёки кафт терисида унсимон, ҳалқасимон ёки пластинкасимон пўстлок, гиперкератоз ўчоқлари</p>	<p><b>Кафт-товон псориази.</b></p> <p>Кафтлар ва/ёки товон терисида оғриқли ёриқлар билан гиперкератоз кўринишидаги изоляцияланган ёки бир-бирига қўшилиб кетган тугунчалар ва пиллакчалар</p> <p><b>Кафт ва товонларнинг пустулез псориази.</b></p>

	<p>Кафтлар ва/ёки оёқ кафти терисида нормал ёки гиперемияланган тери фонида гуруҳланган пустикулалар мавжуд. Куриган пустикулалар ўрнида сариқ ёки тўқ жигарранг пустилоқлар ҳосил бўлади. Тошмалар бармоқларнинг проксимал фалангаларига тарқалиши мумкин; одатда, симметрик. Субъектив: қичишиш ва оғриқ. Сурункали кечади.</p>
<p><b>T. var. interdigitale чакирган оёқ панжа микози (дисгидротик шакли)</b></p> <p>Пуфакчалар ва пуфаклар гумбазлар соҳасида, оёқ панжасининг ташқи ва ички чеккасида, баъзан бармоқлар орасидаги бурмаларда жойлашади. Пуфакчалар ёрилиб, эрозиялар ҳосил бўлади. Иккиламчи инфекция қўшилганида пустикулалар, лимфаденитлар, лимфангитлар пайдо бўлади, қўл бармоқларининг ён ва кафт юзларида, кафтлар, билаклар, болдирларда иккиламчи аллергик тошмалар пайдо бўлади. Микоз бирдан бошланиб, кейин сурункали тус олиб, баҳор-ёз ойларида зўрайиб боради.</p>	<p><b>Дисгидротик экзема</b></p> <p>Қўл панжалари ва/ёки оёқ бармоқларининг ён юзларида, баъзан кафтлар ва товонлар терисида майда, зич пуфакчалар, улар майда эрозиялар ёки шишлар ҳосил бўлиши билан ёрилиши ёки сариқ қобиқчалар ҳосил бўлиши билан куриб қолиши мумкин. Кейинчалик аниқ чегараларга эга бўлган зарарланиш ўчоқлари пайдо бўлади. Субъектив: кучли қичишиш. Кечиши узок давом этади.</p>
<p><b>Тирноқ микози</b></p> <p>Тирноқларнинг конфигурацияси нормал, лекин улар хира, сарғиш тусли, пластинканинг бурчакларида ёки бутун юзаси бўйлаб шох массаларининг тўпланиши ҳисобига дистал четида қалинлашган (нормотрофик шакл), тирноқлар деформацияланган бўлиши мумкин, ранги ифлос-кулранг. Онихолизисда ёки тирноқ ости гиперкератози туфайли тирноқларнинг қалинлашганлиги; пластинканинг ўзгарган дистал четида валик терисининг чуқурчалари билан тирноқсимон зичлашади. Тирноқ пластинкаси дистал четида юмшоқлашган (гипертрофик шакл) ёки тирноқ пластинкаси сезиларли даражада бузилган, тирноқ ўриндиғи юмшоқ шохли массалар билан қопланган (атрофик шакл) ёки тирноқ пластинкаси ўриндиғидан ажралган, хиралашган, баъзан ифлос-кулранг тусга кирган,</p>	<p><b>Экземада</b></p> <p>Қўл ёки оёқ бармоқларидаги тирноқлари кўндаланг эгатлар ҳосил бўлиши ҳисобига нотекислашади, юмшайди, дистал четида қотиб қолади. Тирноқнинг орқа валиги қалинлашган, эпонихион бўлмаслиги мумкин, яллиғланиш ҳодисалари аҳамиятсиз.</p> <p><b>Ясси қизил темираткада</b></p> <p>Тирноқ пластинкасининг марказида чуқур ёриқ ёки бўйлама тароқчалар ва ёриқлар, тирноқ ости гиперкератози, дистал чеккасида пластинкалар синади. Ноаниқ этиологияли тирноқ дистрофияси тўсатдан пайдо бўлиши, монотон кечиши, кўпинча қўл ва оёқ бармоқларининг барча пластинкаларининг бир вақтнинг ўзида жараёнга жалб қилиниши, тирноқларнинг симметрик ўзгариши, тирноқнинг ангишививонасимон ботиши</p>

матриксада нормал рангда бўлади (онихолизис типига зарарланиш)	
---	--

#### 4. Даволаш

[https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy\\_stop\\_kistej\\_i\\_tulovishcha.pdf](https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf)

<https://diseases.medelement.com/disease/микозы-кистей-стоп-и-туловища-рекомендации-рф/15238>

Ўзбекистон Республикасида бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий суғурта тизимида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши харажатларни қоплаш учун асос бўлмайди.

Жадвал 1

#### Асосий дори воситалари рўйхати (қўлланилиш эҳтимоли 100%)

Ташқи даво		
1. Ташқи қўллаш учун антимикотик препаратлар		
Дори воситаларининг (халқаро патентланмаган) номи	Ишлаб чиқариш шакли	Ишончлилик даражаси
Изоконазол, крем	кунига 1-2 марта ташқи қўллашга, 4 ҳафта давомида	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf</a>
Кетоконазол, крем, мазь	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 1-2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf</a>
Клотримазол, мазь, крем, эритмаси	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf</a>
Тербинафин спрей, дермгель	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf</a>
Тербинафин эритмаси	Бир марта ҳар иккала оёқ панжасига 24 соатга ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistej_i_tulovishcha.pdf</a>

Миконазол, крем	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Нафтифин, крем	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Оксиконазол, крем	кунига 1-2 марта ташқи қўллашга, 4 ҳафта давомида	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/578">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/578</a>
Сертаконазол, крем 2%	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/258">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/258</a>
Циклопирокс, крем	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/1016">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/1016</a>
Ундецилен кислотаси + Рух ундециленати, мазъ	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Эконазол, крем	Клиник белгилар бартараф бўлгунча кунига 2 марта ташқи қўллашга	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Бифоназол, крем	кунига 1-2 марта ташқи қўллашга, 5 ҳафта давомида	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>

		<a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/719">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/719</a>
Борат кислотаси, 2% ли эритмаси	кунига 2-3 марта ташқи кўллашга, 1-2 кун давомида	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/785">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/785</a>
Бриллиант яшил, 1% ли сувли эритмаси	кунига 1-2 марта ташқи кўллашга, 1-2 кун давомида	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Резорцин, 1-2% ли эритмаси	кунига 1-2 марта ташқи кўллашга, 1-2 кун давомида	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Фукорцин эритмаси	кунига 1-2 марта ташқи кўллашга, 2-3 кун давомида	С <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Миконазол + Мазипредон	кунига 2 марта ташқи кўллашга, 7-10 кун давомида	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Изоконазол нитрат + Дифлукортолон валерат	кунига 2 марта ташқи кўллашга, 7-10 кун давомида	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/123">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/123</a>
Клотримазол + Бетаметазон, крем	кунига 2 марта ташқи кўллашга, 7-10 кун давомида	Д <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Натамицин + Неомицин + Гидрокортизон крем	кунига 2 марта ташқи кўллашга, 3-5 кун давомида	Д <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Бетаметазон дипропионат + Гентацимин сульфат +	кунига 2 марта ташқи кўллашга, 3-5 кун давомида	Д <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>

Клотримазол, мазь, крем		<a href="#">top, kistej i tulovishch a.pdf</a>
Гидрокортизон + Окситетрациклин, аэрозоль	кунига 2-3 марта ташқи кўллашга, 1-3 кун давомида	D <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Мочевина ёрдамидаги бирикмалар (20% лик пластир, 40% ли крем-паста)	тирноқнинг инфекциланган очоқлари тўлиқ олиб ташлангунга қўлланади	D <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Нафтифин, крем, эритма	кунига 2 марта ташқи кўллашга, соғлом тирноқлар осиб чиққунига қадар	B <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>
Циклопирокс, крем, эритма	кунига 2 марта ташқи кўллашга, соғлом тирноқлар осиб чиққунига қадар	A <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/227">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/227</a>
Аморолфин, тирноқлар учун лак 5%	Тирноқлар қўл панжаларида зарарланганда 6-8 ой давомида ҳафтасига 1-2 марта ва оёқ панжаларида зарарланганда 9-12 ой давомида ташқи кўллашга	A <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/atc/d01ae14">https://www.vidal.ru/drugs/atc/d01ae14</a>
Циклопироксоламин, тирноқлар учун лак 8%	Кун ора 1 ой давомида, ҳафтасига 2 марта - иккинчи ой давомида, ҳафтасига 1 марта - учинчи ой давомида ва соғлом тирноқлар ўсиб чиққунга қадар (камида 6 ой) ташқи кўллашга	A <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/61">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/61</a>
<b>Тизимли даво</b>		
Ташқи даво самарасиз бўлса, тизимли таъсирга эга антимикотик препаратлар буюрилади:		
Итраконазол	Капсулалар, суткасига 200 мг овқатдан кейин 7 кун давомида оғиз орқали, кейин суткасига 100 мг овқатдан кейин 1-2 ҳафта давомида оғиз орқали  (тирноқлар зарарланганда: 200 мг кунига 2 марта овқатдан кейин 7 кун	A <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_s_top_kistej_i_tulovishch_a.pdf</a>  A

	давомида оғиз орқали, такрорий курс - 3 ҳафтадан кейин, 2-3 ой давомида қўл панжа тирноқлари микозида ва 3-4 ой давомида оёқ панжа тирноқлари микозида)	<a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistey_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistey_i_tulovishcha.pdf</a>
Тербинафин	Таб. 250 мг оғиз орқали кунига 1 маҳал овқатдан кейин ҳар куни 3-4 ҳафта давомида  (тирноқ пластинкалари зарарланганда: қўл панжалари онихомикозида 2-3 ой давомида овқатдан кейин кунига 1 марта оғиз орқали 250 мг ва товон панжалари онихомикозида 3-4 ой давомида)	А <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistey_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistey_i_tulovishcha.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/1016">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/1016</a>
Флуконазол	Капсулалар, 150 мг оғиз орқали овқатдан кейин ҳафтада 1 марта камида 3-4 ҳафта давомида  (тирноқ пластинкалари зарарланганда: ҳафтасига 1 марта овқатдан кейин, соғлом тирноқлар тўлиқ ўсиб чиққунга қадар оғиз орқали 150 мг. Флуконазол қўл ва оёқ панжалари онихомикозида матриксни шикастламасдан самаралидир)	В <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistey_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistey_i_tulovishcha.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/414">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/414</a>
Кетоконазол	тирноқ пластинкалари зарарланганда: даволашнинг биринчи кунига суткасига 1 марта 400 мг, кейин - 200 мг кунига 1 марта овқатдан кейин соғлом тирноқлар тўлиқ ўсиб чиққунга қадар оғиз орқали	С <a href="https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistey_i_tulovishcha.pdf">https://www.ismos.ru/guidelines/doc/mikozy_stop_kistey_i_tulovishcha.pdf</a>  <a href="https://www.vidal.ru/drugs/molecule/578">https://www.vidal.ru/drugs/molecule/578</a>

